796

МАКТАБ — ЮНЕСКО АЪЗОСИ

СИРДАРЁ. Мирзаобод туманидаги Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Баҳодир Розиқов раҳбарлик қилаётган 21-мактабга ЮНЕСКО қароргоҳидан хушхабар келди. Маълум бўлишича, бу мактаб энг яхши қишлоқ мактаби сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО тасарруфига олинган. Республика Халқ таълими вазирлиги эса мактабнинг 5 нафар ўқитувчисини «Халқ таълими аълочиси» фахрий нишони билан тақдирлади.

Ўз мухбиримиздан.

ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР ТАЛҚИНИ

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоят ҳокимининг қарори билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Темурий маликалар талқини» кўрик-танлови ва «Чавғон» спорт мусобақалари ўтказиладиган бўлди. Соҳибқирон ва темурийлар даврида аёлларга бўлган муносабат, уларнинг олижаноб фазилатлари тўғрисида жойларда машғулотлар уюштирилади. Рассомлар кўриги ташкил этилади.

Юнус УЗОҚОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭЛ ДАСТУРХОНИНИ ЎЙЛАБ

ТОШКЕНТ. Зангиота туманидаги Акмал Икромов номли фермерлар уюшмасидан помидор, бодринг ва болгар қалампирлари савдо расталарига пешма-пеш жўнатиляпти. Уюшманинг Дилором Қурбонова бошчилигидаги оилавий пудратчилари ҳам юқори ҳосил кўтаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ҳар квадрат метрдан 8-9 килограммдан помидор теришмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ.

ЧИҚИТДАН МАҲСУЛОТ

НАВОИЙ. Қизилтепа пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Бу ерда пахта толаси чиқитларидан нотўқима материал ишлаб чиқарадиган янги цех ишга туширилди. Бунга эса ингичка толали пахтани қайта ишлайдиган цехни мослаштириш ва замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозлаш эвазига эришилди.

Энг қувончлиси, бу — илгарилари чиқит сифатида ташлаб юбориладиган хом ашёдан сифатли тўқимабоп маҳсулот тайёрланаётганидир.

Музаффар ШАРОПОВ.

ИККИ ДУНЁСИ ОБОД БЎЛСИН

НАМАНГАН. Жўрабой Охунов Янгиқўрғон туманидаги Ёрилган қишлоғини ободонлаштириш, хўжаликни бойитиш ишларида астойдил фидокорлик қилган. Ҳамқишлоқлари унинг хотирасини эъзозлаб, номини хўжаликка қўйишди. Қишлоқнинг баланд ерида эса раис бувининг бюсти ўрнатилди. Маросимда вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев қатнашди. Ҳалол ишлаб, савоб қидирган инсоннинг икки дунёси обод, деганлари шу бўлса керак.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ТАДБИРКОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

ХОРАЗМ. Урганчда вилоят тадбиркорларининг семинар-кенгаши бўлди. Йиғилишда республика «Бизнес фонд» бошқаруви раиси Алижон Юсупов, «Мадад» суғурта агентлиги бош директори Носиржон Юсупов тадбиркорлик жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш, кичик ва ўрта тадбиркорликка кенг йўл очиш ҳақида маъруза қилдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 15 июнь, шанба № 73-74 (21.995).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ





СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Роберт Урбен бошчилигидаги делегацияни ва М. Куботани қабул қилаётган пайт.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Бельгия ҳукумати расмий вакили, сенатор Роберт Урбен раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон халқи Бельгияни яхши билишини, унинг Европада ва жаҳонда муҳим ўрин тутишидан воқифлигини таъкидлади. Ҳудудида Европа Иттифоқи (ЕИ) қароргоҳи ва муассасалари жойлашган Бельгия Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликни ёқлаб овоз бергани муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

— Бельгия катта экспорт қудратига эга мамлакатдир, — деди, жумладан Ўзбекистон раҳбари. — Ўзбекистон ҳам табиий заҳираларга, хом ашёларга бойдир. Шу боис икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва бошқа турли соҳаларда ҳамкорлик борасида фойдаланилмаган имкониятлар кўп.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бельгия қироллиги ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари В. Чжен, ташқи ишлар вазири ўринбосари Ш. Шоисломов иштирок этди.

Учрашувда Бельгия қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М. Адам ҳозир бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (ЯХИҲЖ) вице президенти М. Куботани ҳам қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлик яна янги лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга руҳлантираётганини қайд этди. Икки мамлакат ўртасдаги алоқаларнинг мустаҳкамланишида Японияннинг бу машҳур жамғармаси муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

— Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармасининг ўзига хослиги шундаки, у узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди, — деди жумладан Ислом Каримов.

М. Кубота ташриф давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлганини таъкидлаб, ҳамкорликда вагонсозлик заводи барпо этиш лойиҳаси ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов иштирок этди.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ҲАР АКЦИЯГА 400 ФОИЗДАН

ХОРАЗМ. Вилоятда қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришга аҳамият берилмоқда. Одамлар ишлаб чиқариш корхоналари ва турли жамғармаларнинг акцияларини сотиб олиб, мулкка эгалик қилмоқдалар.

Муҳими, аҳоли қўлида йиғилиб қолган маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб этиляпти. Республика миллий инвестиция жамғармаси Хоразм бўлими ўз фаолиятини ўтган йил май ойида бошлаган эди. Бу даврда республика давлат мулк жамғармасининг қарори билан бўлим вилоят бошқармасидан 1 миллион 1200 сўмлик акция сотиб олди. Фонднинг курс ўзгариши баҳосида 500 та акция аҳолига тарқатилди. Бу 67 минг 578 сўмни ташкил қилди. Энди тарқатилган акцияларнинг ҳар бирига акционерлар дивиденд олишмоқда. Ҳар бир акцияга 400 фоиздан фойда тўғри келяпти.

Қуронбой МАТРИЗАЕВ.

ҲУНАРЛИНИНГ НОНИ ҲАЛОЛ

Раҳматхўжа ака лаҳча чўғга айланган металл парчасини қисқичида тутиб, болғалаб, яна оловга солди. Устанинг юзидаги тер маржонларини кўриб «етар энди» дегим келди-ю тилимни тияман. Бир гал шунга яқин гап айтиб устанинг танбеҳини эшитганим ёдимга тушди.

— Биродар, асрдан асрга ўтиб келаётган сулола меҳнати ва ҳурматини йўқотишимни истайсизми? Ўнта яроқсизидан битта кўнгилдагидек буюм бўлгани яхши. Топганимиз ҳалол бўлиб, харид этганнинг кўнгли яйрасин. Уста учун бундан ортиқ баҳо борми?

Пичоқчи уста Раҳматхўжа ака болғалашда давом этади.

— Чевар қизимга қайчи ясаб берсангиз, — деди шу пайтда кириб келган, марғилонча дўппи кийган мўйсафид саломаликдан сўнг.

— Буюртмангизни бажарамиз, фақат шошилмайсиз-да, — деб жавоб қилди Раҳматхўжа ака. — Ҳунармандлар кўригига пичоқ тайёрлаяпман.

У чиқиб кетгач: «Меҳмонга тўғрисини айтмасам, кейин хижолат тортаман», — деди.

Суҳбатлашиб турган чоғимизда устанинг ўғли Фарҳодбек атрофга учқун сачратиб пичоқларни чархлашга тушди. Бир буюмни тайёрлаб, сайқаллагунча уста қанча тер тўкканининг шоҳиди бўлдим. Устанинг ишлаши ҳақиқатан таҳсинга лойиқ эди!

Раҳматхўжа уста машҳур Алихўжа пичоқчининг фарзанд-шогирди. У кўп йиллардан буён авлодлари ҳунарини ҳалоллик ва эзгулик билан давом эттириб келмоқда. Кишиларнинг ҳурматига сазовор бўлган уста Раҳматхўжа Алихўжа ўғли пичоқчилик ҳунарини санъат даражасига кўтариб, тиғларга меҳрини пайваста этяпти. Устанинг меҳнати, ясаган пичоқлари, қайчилари Шаҳрихоннинг шуҳратига-шуҳрат қўшяпти, элларга танитяпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмида

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Гулистон туман партия кенгашининг ХДПдан давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатлар билан ишлаш тажрибаси ҳақидаги масала муҳокама этилди. Сиёсий ижроқўм мазкур туман кенгаши ва бошланғич партия ташкилотларининг асосий диққат-эътибори Халқ демократик партиясидан барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб боришга, уларга ўз ваколатларини муваффақиятли бажаришда кўмак беришга, уларнинг ахборотларини ижроия бюро мажлислари ва пленумларида, бошланғич ташкилотлар йиғилишларида эшитиб боришга, сайловчилар томонидан депутатларга билдирилаётган таклиф, истак, тушаётган хат ҳамда шикоятлар юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини таъминлашга қаратилаётганлигини қайд этди. Айни пайтда, уларнинг бу йўналишдаги фаолиятида камчиликлар ва фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДПнинг турли бўғиндаги кенгашлари, барча бошланғич ташкилотларига депутатлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни тавсия қилди. Мақсад — ХДПдан сайланган депутатларни партиявий-сиёсий, тарғибий-ташвиқий тадбирларга жалб этиш билан бирга, улар ҳақида аҳоли орасида ижобий фикрни шакллантириш, уларнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш бўйича республикамиз Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатини изчил рўёбга чиқарилишидаги иштирокининг самарали бўлиши, бу борадаги саъй-ҳаракатларини кучайтириш орқали партия мавқеи ва нуфузини янада мустаҳкамлашга эришишдан иборатдир. Бунда куч-ғайратни ўтган сайловолди мавсумида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни яна бир бор чуқур таҳлил қилиш, келгуси сайловларда партиямиз вакилларининг муваффақиятлироқ иштирок этиши учун керакли заминни ҳозирлашга сафарбар этиш талаб этилади.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси хусусиятларини ҳисобга олиб, ушбу шаҳарча ҳудудий партия ташкилотига туман кенгаши ҳуқуқини берди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП XVI пленуми муҳокамасига қўйиладиган ҳужжатлар лойиҳалари қараб чиқилди. Шунингдек, унда Марказий Кенгашнинг 1996 йил иккинчи ярмидаги фаолияти иш режаси тасдиқланди ва партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сиёсий ижроқўм мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Сирдарё вилоятида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови муваффақиятли якунланди

Шу пайтга қадар Сирдарё вилоятининг асл касби чўлқуварлик, қурувчилик, деҳқончилик эди. Энди эса санъаткорлик, санъат шайдолиги ҳам унинг нуфузли касбларидан бўлиб қолди. Вилоят бўйлаб кенг қулоч ёйган, деярли барча қишлоқ ва шаҳарларни қамраб олиб, минглаб дилларни ром этган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови якунлари ҳақида ўйлар экансиз, беихтиёр ана шу фикр хаёлингиздан ўтади.

— Кўрик-танлов олдиндан белгиланган тадбирга асосан уч босқичда — қишлоқлар, шаҳар ва туманлар, ниҳоят вилоят миқёсида ўтказилди, — дейди вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Мурод Раҳимбоев. — Бу тадбирнинг оммавийлиги, юксак маҳорат асосида ўтиши учун зарур барча чораларни кўришга ҳаракат қилдик.

Маданият ишлари бошқармасида таъкидлашларича, вилоят бўйича мазкур кўрикда деярли беш мингдан зиёд киши қатнашган. Боёвут туманида ўтказилган кўрик-танловнинг якунловчи босқичида ҳайъат аъзолари ёлғиз ғолибни аниқлаш учун 57 та ижодий чиқишни кўришга тўғри келди.

Вилоятдаги республикамизга танилган шоирлар, қўшиқчилар ва бастакорлар билан бир қаторда танлов давомида қатор истеъдодли ёшларнинг пайдо бўлгани қувончли ҳолдир. Танловда қатнашган ижрочиларнинг ёши, касб-кори турлича бўлса-да, уларни ватан меҳри, юрт ардоғи бирлаштиргандек эди. Ховосликдан Дилшод Каттабеков — бошланғич синф ўқувчиси. Лекин уни вилоятда эмас, республикамизда ҳам танишади. Бу сафар у гулистонлик бастакор Йўлдош Норбўтаевнинг Алижон Азимов шеърига басталаган «Истиқлол қўшиғи»ни ижро этиб, вилоят ғолиблари сафидан ўрин олишга муваффақ бўлди. Мирзаободлик она-бола Салима Мадисаева билан Омонжон Ҳамидовлар шу туман мусиқа мактабининг директори Аҳрор Орипов басталаган «Тинчлик — Турон заминга» қўшиғини ижро этиб, совриндорлар сафидан ўрин олмаган бўлсаларда, лекин ўзларининг ёрқин чиқишлари билан кўпчиликнинг эътиборини тортолдилар.

Икки оғиз ғолиблар ҳақида. Гулистон санъат билим юртининг хор жамоаси бастакор Улуғбек Жалоловнинг шоир Тўра Сулаймон шеърига басталаган «Дориломон» қўшиғини ижро этиб, вилоят кўрик-танлов ғолиби бўлди. Шунингдек, гулистонлик таниқли хонанда Асадўлла Холиқов шоир Анвар Обиджон ва бастакор Анор Назаровлар билан ҳамкорликда яратилган «Ўзбекистон аскарлари қўшиғи» учун фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди. Асадулла Холиқовнинг бу қўшиғи республика ҳарбий қўшиқлари кўрик-танловида ҳам биринчиликни олди. Гулистон туманидан Абдураҳмон Султонов, Гулистон шаҳридан Солижон Кенжаев, ховослик Дилшод Каттабеков, Сирдарё Давлат университети ўқитувчиси Нурилла Раҳимов ҳамда мазкур олий таълим даргоҳи хор жамоаси ва бошқалар фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни олдилар.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида вилоят ғолиблари ижросида катта ҳисобот концерти беришга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи муовини Қўзибой Абдуллаевнинг таъкидлашича, ижодий ҳисобот давомида энг яхши деб топилган қўшиқлардан тузилган номерлар асосида махсус дастур тузилади ҳамда уларнинг вилоят шаҳар ва туманларига ижодий концертлар уюштирилади. Энг муҳими, кўрик-танлов ғолиблари, эътиборга тушган ижрочилар билан муттасил иш олиб борилади. Бу эса халқимиз қадриятларини бойитиш, санъатни юксалтириш, одамларимиз қалбида она-юртга бўлган меҳр - муҳаббат туйғуларини оширишдек хайрли ишларга хизмат қилади.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АЙБИНИ БЎЙНИГА ОЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. Ўтган ҳафта телевизион станция хабар қилган ҳодиса бўйича Марказий боғда фортепьяно ўқитувчисини ўлар ҳолатда урган одам айбига иқрор бўлди. У яна икки нафар аёлни даф қилганлигини ҳам бўйнига олди.

ЎЛИМГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

Форт Брагг, — ҳарбий ҳайъати армия сержантини бир амалдорни тонготарда ўлдирганликда айблаб ўлим жазосига тортди. Қотил, шунингдек, октябрда 18 та аскарни яралаган.

РОЗИЛИК БЕЛГИСИ

ИОРДАНИЯ. Қўлга олинган Фаҳрий фуқаролар орасида қолган ягона гўдак юзасидан, манбада айтилишича, ҳибсга олинган Фаҳрий фуқаролар пешвоси бошқа гуруҳларни таслим бўлишга чорлаб розилик билдирди. Уни узоқдан кузатган репортерлар ФБР транспорт воситаси двигателини кўрдилар.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ

Президент Клинтон АҚШнинг Жанубий Каролина қишлоқ штатида куйиб битган харобаларни кўриш учун борди. Президент бошқа жойда вужудга келтирилган янги Санктруоруга бағишлашга ёрдамлашади. Клинтон шу кун мобайнида қора черковни ҳимоя қилиш юзасидан янги федерал қонунлар ташаббусини эълон қилишни режалаштирди.

ЎТИШ ДАВРИДА КИМ АРАВАНИ ОТДАН ОЛДИН ҚЎЙМОҚДА?

Президент Ислом Каримов стратегик тутган йўлининг илк қоидаларидан бирини, тахминан, шундай талқин этсак бўлади: агар сиёсат иқтисоддан олдинроқ юра бошласа — узилишлар пайдо бўлиб, бундай ҳол ислоҳотларни бамисоли совет жамияти давридаги сингари инқирозларга олиб келиши мумкин. Мен ислоҳотларнинг бошқачароқ (сиёсий ҳаётни демократлаштириш ва шу асосда бозор иқтисодиётига ўтиш) йўналишларига амал қилаётган Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевдан: «Ким аравани отдан олдин қўймоқда — Сизми ёки Президент Каримовми?» деб сўрадим.

А. Акаев аввалига ҳазиломуз оҳангда: «Ҳамма нарса аввало ўша арава ва отнинг қанақалигига боғлиқ» — деди. Шундан кейин ўз фикрига жиддий қўшимча қилди: «Сиёсат ёки иқтисоднинг устуворлигини бир қатор омиллар, жумладан, аҳолининг этник таркиби, илғор намояндаларнинг ислоҳотга нечоғлик тайёрлиги, халқ оммасини ўз орқасидан эргаштира оладиган раҳбарнинг мавжудлиги кабилар белгилайди».

Бу гаплар тўғри, албатта. Бироқ, яна шу нарса ҳам аниққи, тоталитаризмдан посткоммунизм орқали бозор иқтисодига ўтишнинг теран асосларида собиқ шўро тузуми ҳудудидаги барча давлатлар учун муштарак бўлган умумий бир қонуниятлар зуҳр этмаслиги асло мумкин эмас.

Бу қонуниятлар, табиийки, у ёки бу мамлакатнинг ўзига хос, айрича шарт-шароитларига боғлиқ равишда ҳар гал бетакрор ҳолатларда намоён бўлиши мумкин. Лекин, такроран бўлса ҳам айтаманки, ўзининг теран асосларида мазкур қонуниятлар барча мустақил давлатлар учун, айниқса, Ўрта Осиё давлатлари учун муштаракдир.

Бугунга келиб, шу нарса янада ойдинлашдики, айнан Ўзбекистон Президенти ўтиш даврининг объектив тамойилларидан ва ўз халқининг цивилизацияси хусусиятларидан келиб чиқиб иш бошлаган экан. Шу боис, юқорида тилга олинган образли иборани қайта эслаб, ишонч билан айтишимиз мумкинки, худди Ўзбекистонда арава ҳам, от ҳам ҳаёт қандай талаб қилган бўлса, шундайлигича қўйилди: от олдинда, арава эса кейинда турибди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўли алоҳида ўзига хосдир, бу йўл деярли барча собиқ шўро давлатлари бораётган йўллардан фарқ қилади. Унинг кўзга ташланиб турган ютуқлари кўпчиликда ўзи ва бошқалар учун бу мўъжизанинг моҳиятини ойдинлаштириш эҳтиёжини уйғотмоқда. Ўзбекистон Президенти ўз иқтисодий дастурининг намунасини кимдан «кўчирма» қилганлиги устида ҳам бош қотирмоқдалар.

Д. Карлайл шундай деб ёзади: «Хитой, бу мамлакатга сафар қилганида сиёсий ва иқтисодий андоза сифатида, Каримовда катта таассурот қолдирди. Хитойнинг авторитаризмни сақлаб қолиб, айни пайтда, иқтисод соҳасида ислоҳотлар ўтказганлигини, эҳтимол, у ўз мамлакати учун намуна қилиб олишни хаёлидан ўтказган бўлса, ажаб эмас. Аммо буни у очиқчасиға ҳеч қачон тан олмай келяпти» (177-с).

9

«Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган демократик қайта қуришлар, аслида, анъанавий патриархал урф-одатлар ва ҳаёт шаклларини тоталитар-империя тузумига, тоталитар-империячи онгга ўзига хос муқобил ва мухолифат тарзида ғовлатиб юборди. Бундай вазиятда агар миллатчилик кайфиятлари ҳамда мусулмон дини урф-одатлари ва маросимларига юз буриш етарли даражада ошкора ва кенг кўламда ўзини намоён этадиган бўлса, бундан ҳеч бир таажжубланмаса ҳам бўлади».

Марказий матбуотда, Ўзбекистоннинг хўжалик, интеллектуал ва маданий ҳаётининг барча шаклларини исломийлаштириш ва «тубдан миллийлаштириш» хавфи туғиладиган бўлса, бундай ҳолатда русийзабон аҳоли ўзи ўрганган ва қадрдон бўлиб қолган заминни тарк этиб, дуч келган томонга қоча бошлайди, деб ҳам ёзилди. Шу билан бирга, ўша мақолаларда Ўзбекистонда фуқаролик, таълим-тарбия, тил тўғрисида Болтиқбўйида қабул қилингани сингари бошқа халқларни камситувчи фармонлар қабул қилинмаганлиги тўғрисида ҳам гапирилади.

Фарғона, Қўқон, Ўш, Тошкентда ва бошқа ерлардаги қон тўкилишлар ва бошқа қўрқинчли воқеалар тўғрисида ҳам кўп ёзилди. Ҳар тусда, ҳар хил савияда, ҳар хил нуқтаи назарлардан туриб ёзишди. Бир қанча мақолаларда бу халқнинг сабр-тоқати ҳам чегарали эканлиги, унинг асрлар мобайнидаги карахтлигига бир кун келиб чек қўйилиши, у итоаткорлик ва қашшоқликдан кўра анча яхшироқ қисматга лойиқлиги, қашшоқлик ва ҳуқуқсизликка қарши аллақачон бош кўтарган ва жон аччиғида ёмон ишлар қилиб қўйиб, Ўзбекистонни олис ўрта асрларга қайтадан итқитиб ташлашга тайёр бу халқнинг тўлиб-тошиб турган қаҳр-ғазабини ҳисобга олмаслик хато бўлиши ҳақида ёзилди.

«XX век и мир» журналидаги мақоладан бир иқтибос келтирайлик: «Ўзбекистон халқи — ўта оқилона тафаккурли халқ, бироқ, айни кунларда Ўзбекистондаги кўпчиликни, Достоевский иборалари билан айтадиган бўлсак, «соғлом ақл орқасига тепиш истаги» эгаллаб турибди. Бундай қаҳр-ғазабнинг портлаши мамлакатни оғир оқибатлар ёқасига олиб келиши ҳеч гап эмас».

Шунингдек, республика давлат аппаратидаги ишларнинг хунук аҳволи, давлатни бошқаришнинг барча босқичлари ва барча соҳаларини қамраб олган коррупция иллати ҳақида ҳам ёзишди. Яна, республикада аҳолининг турли қатламлари ишончини қозонган ижтимоий арбоблар, ўзини халқ манфаатлари ҳимояси учун ва демократик ўзгаришлар учун курашга бағишлаган йўлбошчилар йўқ, деб ҳам ёзишди.

Ўзбекистон — бу гўзал мамлакат, худо сийлаган ўлка, янги босқичга ўтиш даври арафасида ана шундай аҳволда эди.

Ижтимоий муаммолар калаваси бош-адоғини топиб бўлмас даражада чувалаштириб ташланган эди. Қайси ипни энг аввал тортиш керак?

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТИШ ДАВРИНИНГ МАНТИҚИ: ЗИЁН-ЗАҲМАТ ЕТКАЗМАСЛИК

Ўтиш даври муаммоларини тадқиқ қилиш, бу даврда ҳаёт кўндаланг қўяётган масалаларга жавоб топиш — амалиётчилар учун ҳам, олимлар учун ҳам энг оғир вазифа эди. Бу мушкулликнинг бош сабаби шу эдики, жараёнлар шиддати ақл-идрокни шошириб қўйган ва бу шиддат Президент ҳамда вазирлардан тортиб тадбиркорлару зиёлилар, ишчилар ва деҳқонларгача — ҳамма-ҳаммани ўз гирдобига куч билан тортмоқда эди. Истайдими-йўқми, ҳеч ким бу шароитдан четда қололмас эди.

Одатда, «ўтиш даври» ислоҳининг сўзларини айнан тушунишиб, уни ўтмиш ва келажак «оралиғи»даги давомли

(Давоми. Боши ўтган сонда).

13

Ҳақиқатан, улкан мамлакат иқтисодини бошқаришда маъмурий, бевосита раҳбарлик ва муайян оралиқни сақлаб, бевосита бошқаришни оқилона бирлаштириш, марказлаштиришни қишлоқлар ва корхоналарнинг ўзини-ўзи ривожлантириши билан узвий қўшиб олиб боришдан иборат Хитой тажрибаси Ўрта Осиё ҳудудидаги янги мустақил давлатлар диққатини тортмаслиги мумкин эмас. Айниқса қайта қуриш ислоҳотлари бошдан кечирилаётган бир шароитда Хитойда аграр соҳадаги ислоҳотлар нақадар кучли ирода, шижоат ва изчиллик билан амалга оширилаётганлигига таҳсинлар айтмасдан бўлмайди. Бу ислоҳотлар натижасида, Хитойда ғалла етиштириш 1,2 марта, шакар ишлаб чиқариш 3,6 марта, гўшт етиштириш 3,8 марта кўпайди. Қишлоқ корхоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (жумладан, хорижий капитал иштирокида) даражаси ўрта ҳисобда ҳар йили 28 фоизга ўсмоқда.

Бошқалар Ўзбекистондаги иқтисодий-сиёсий тадбирларнинг илдизларини янада «чуқуррокдан» изламоқдалар. Мухолифат намояндалари Ўзбекистон Президенти ўз иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишда «Чили андозаси»га таянди, деб ҳам айбламоқдалар. Шахсан мен ўзим Каримовнинг ўз оғзидан бу тўғрида ҳеч нарса эшитмадим ва унинг Чили андозасига муносабати ҳақида ҳам бирон жойда ўқимаганман. Бироқ, агар унинг Чили йўлига қараши ижобий бўлганида ҳам, бунинг учун оқилона фикрловчи сиёсатдонлардан биронтаси унинг томорқасига тош отиши мумкинлигига ишонгинг келмайди. Ахир, бу мамлакатда, ростини айтганда, америкалик экспертларнинг фаол иштирокида тоталитаризм ва ўзбошимча оломончиликдан либерал демократияга ўтиш даврининг тамойиллари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, иқтисодий ислоҳотларнинг «ўзбекона йўли» — бу Ислом Каримовнинг кашфиёти, кўп маънода, агар таъбир жоиз бўлса, унинг «ноу-хау»сидир. Бу унинг алоҳида иқтисодий салоҳиятининг, тиниқ ақл-идрокининг, оддий одамларга нималар зарурлигини яхши тушунадиган сиёсий арбоблик истеъдодининг ва албатта, жаҳон тажрибасини яхши билишнинг натижасидир.

ЖАР ЁҚАСИДА

Мен олдинроқ Ислом Каримовнинг давлат тепасига келиши арафасидаги вазият тўғрисида бироз тўхталган эдим. Энди бу тўғрида батафсилроқ гаплашамиз.

Мен «Каримовгача» бўлган Ўзбекистондаги аҳволга бағишланган талай мақолаларни ўқиб чиқишимга тўғри келди. Бу мақолалар 1989 — 1990 йилларда марказий газеталар ва журналларда («Новый мир», «Огонёк», «Знамя», «Октябрь», «Дружба народов», «Нева» ва бошқаларда), республикада («Звезда Востока»), шунингдек олис хорижий нашрларда эълон қилинган эди. Китоб устида ишлаш жараёнида уларни қайтадан ўқиб чиқдим. Бор-гапни айтадиган бўлсам, кўз

10

ўнгимда даҳшатли, қўрқинчли манзаралар пайдо бўлди.

Тушунаман, бу мақолаларда қўшиб-чатишлар, қуюшқондан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам озмунча учрамайди. Булар, бир чеккаси, муаллифларнинг қалб ларзалари, ҳақиқатга гоҳида унчалик ҳам мос келавермайдиган шахсий кечинмалари билан изоҳланса, бошқа жиҳатлардан бу даврдаги бош йўл — танқид, эртанги кун манфаатлари нуқтаи назаридан бугунни инкор этишни ўзининг бош мақсади қилиб олган ошкораликдир.

Мен улардан, назаримда, муаллифлари асосан қўлдаги далилларига таяниб фикр юритишга ҳаракат қилган бир неча босиқ руҳли мақолаларни танлаб олдим.

Бу мақолаларда нима ҳақда ёзилади?

Иқтисодий бўҳрон ҳақида.

Оғир турмуш шароити ҳақида.

Маданиятдаги бузилишлар тўғрисида.

Миллатчилик ва у билан боғлиқ равишда русийзабон аҳолининг Ўзбекистонни ташлаб чиқиб кетаётганлиги ҳақида. Ислом фундаментализми туғдираётган хавф-хатар тўғрисида.

Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларидаги қонли воқеалар ҳақида.

Республикадаги ҳукмрон ва мухолифат сиёсий доираларида кучли ва ёрқин шахсларнинг қаҳатлиги тўғрисида.

Кўпгина мақолаларда Ўзбекистонда, аниқроғи, бутун Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли сонининг юксак суръатларда ўсиши билан меҳнат ресурслари ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг паст даражаси ҳамда ижтимоий неъматларга эҳтиёж билан бу эҳтиёжларни қондиришнинг мавжуд имкониятлари ўртасида ўткирлашиб бораётган қарама-қаршиликлар тобора яққол кўзга ташланиб қолаётганлиги борасида сўз юритилади.

«Яхлит йирик пахта майдонига айлантирилган Ўзбекистон бамисоли якказироатчиликнинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки шу билан бирга, саноат, илм-маърифат, соғлиқни сақлаш ва охир-оқибатда, ижтимоий хулқни ҳам емирувчилик имкониятларини аниқлашга қаратилган узоқ давом этадиган фожиавий экспериментлар йўлига чиқиб олди». 1989 йилда Ўзбекистон ҳақида Б. Румер ана шундай деб ёзган эди.

Яна бир муаллиф ёзади: «Биз ер ва томорқа участкаларини қанчалик тақсимлаб бермайлик, ҳозирги пайтда, масалан, Фарғона водийсидаги ҳар бир меҳнатга яроқли қишлоқ аҳолисига нари борса 1 гектарданғача пахта майдони ва 17 сотихгача шахсий томорқа тўғри келади. Деҳқон бу бир парча ердан кимни боқа оларди, бунинг устига сув имкониятларининг чекланганлиги туфайли бу ерни кенгайтириб бўлмайди ва чарчаб қолганлиги оқибатида амалда унинг ҳосилдорлигини ҳам оширишнинг иложи йўқ».

1990 йилда Тошкентда Ўзбекистоннинг, ўша пайтдаги шўро республикаларининг энг обрўли олимлари ва мутахас-

11

ИСЛОМ КАРИМОВ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

бугун, деб ўйлайдилар. «Ўтиш даври»нинг пайдо бўлишида, бундай қарашларга кўра, ўтмиш — сабаб, келажак эса мақсад тарзида воқе бўлади.

Бироқ исталган ижтимоий тузум, ҳар қандай жамиятнинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиши ўтмишда ҳам, келажакда ҳам номаълумлигича қолаверади. Гап шундаки, ўтмишда фақатгина ҳақиқат излаб қолишмай, балки режалаштирилаётган келажакнинг ҳам асослари аниқланади. Келажак эса, ижтимоий мақсад тарзида, нафақат зиддиятли, балки, шу билан бирга, ўта узуқ-юлуқдир. Чунки, жамиятда интеграция-заифлашган ва у ўзининг зарур қадриятлари ҳамда идеалларини ёки йўқотган, ёхуд мавжуд қадриятлар ва идеалларни танқидий идрок этишга ҳали улгурмаган.

Лекин ҳеч бир жамият бусиз етарли ривожланмайди. Бугун қадриятлар ва идеалларни «тўплаш»дек ижтимоий эҳтиёж, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди ва «бозор социализми», либерал демократия ва социал-демократия ривожланишнинг мағрибона ва машриқона йўллари тўғрисидаги баҳслар муҳитида ўзини намоён этмоқда. Гоҳида бу баҳслар ўта қуруқ ва юзаки туюлади. Бундай эҳтиёж умуминсоний қадриятларга мурожаат этишда ҳам, миллий тарихни идеаллаштиришда ҳам ўзини намоён этади. Бундан ташқари, келажак тўғрисидаги тасаввурлар ижтимоий мақсад тарзида гуруҳий интилишларнинг кураши ва ғалабаси, йўлбошчиларнинг алмашинуви билан ҳам ўзгариши мумкин.

Масалан, Белоруссияда Президент сайланди ёки Озарбойжонда ҳокимият бошига янги Президент келди, дейлик. Тамом — энди уларгача мавжуд бўлган қадриятлар ўтда ёна бошлайди ва, аксинча, бир вақтлар ўтда ёнган қадриятларга қайтадан сиғиниш бошланади.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиш даврига ўтмиш ва келажакнинг тўғри ёки нотўғри инъикоси тарзида эмас, балки жамиятнинг мустақил ҳолати, деб қараш ўринли бўлади. Ҳа, узоқ муддатли, гоҳида, афтидан, бутун бошли авлод ва ҳатто икки авлоднинг ҳам ҳаёти билан ўлчанадиган даврий ҳолат деб.

Мен ўзим сўнгги пайтларда кўришиб туришимга тўғри келаётган Ўрта Осиё ҳудудидаги замонавий сиёсий ҳаёт муаммолари билан шуғулланувчи бир немис мутахассиси ҳайрон қолиб, шундай деди: «Буларнинг ҳаётда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар муддатига доир тасаввурлари ҳеч ақлга тўғри келмайди. Нега бошқа мамлакатларнинг айнан шу борадаги тажрибаларини ўрганиб, вақт кўламини, тахминан бўлсада, бундан аниқроқ қилиб белгилаб олиш мумкин эмас?»

Табиийки, ўтиш даврлари турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавҳумотликлар билан тўла. Кимдир бундай даврларни «дарё бўйлаб узала тушган кўприк» деб ўхшатиб таърифлаган эди. Бунинг устига, у ёки бу мамлакатда ҳар хил сабабларга кўра, жумладан, йўлбошчиларнинг хато йўл танлагани дастидан бу даврлар аниқ бир инсоний маъно касб этмай ва тарихий истиқболга эга бўлмай қолиши ҳам мумкин. Бироқ барибир улар бир кўрсаткич бўлиб қолаверади. Аниқ бир кўрсаткич бўлиб, уларнинг ўз қонуниятлари, ўз тамойиллари мавжуд.

Посткоммунистик ўтиш даври — ўтиш даврларининг кўринишларидан биридир, холос. Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро бир-биридан қанчалар салмоқли тафовутлар билан фарқ қилмасин, бироқ асосий маънолари битта — жамиятни, унинг иқтисодини, сиёсатини, унинг маданиятини замонавийлаштириш. Бундай замонавийлаштириш муайян якун топгунгача, яъни мамлакат барқарор иқтисодий ривожланиш, сиёсий барқарорлик, ижтимоий фаровонлик даражаларига эришгунгача бўлган давр «ўтиш даври» деб аталади.

АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия каби айрим давлатларни истисно қилганда, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида содир бўлган ўтиш даврининг ўзгаришлари, замонавий ижтимоий тараққиёт фани тили билан айтсак, «изма-из бориб қилинган замонавийлаштириш» тарзида юз берди ва юз бермоқда. Ҳа, ривожланган мамлакатлар изидан бориб эришилган замонавийлаштириш!

Агар ҳар қандай мамлакатдаги ҳар қандай ўтиш даврининг ижтимоий шакли, ижтимоий мазмуни шарҳланадиган бўлса, биринчи навбатда, кутилаётган, гарчи доимо ва ҳамма ерда ҳам юз беравермайдиган, узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ғалабалар йўлида қурбон қилинувчи ижтимоий чиқимлар, ижтимоий фидойиликларнинг шафқатсиз даражаси ва ҳажми ҳақида гапиришга тўғри келади.

Ўзбекистондаги ўтиш даври вазиятини ҳеч сўзсиз, «кечиккан замонавийлаштириш» деб аташ ўринли бўлади. У юқоридан, сиёсий йўл билан амалга оширилаётган мулкчилик шаклларини ўзгартириш, аниқроғи, хусусий мулкчиликни қарор топтириш, янги технологик тўлқинга қўшилиш асосида иқтисодни тубдан қайта қуриш йўлидир. Бу ерда бош вазифа — иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга шитоб бағишлай оладиган баъзи бир, гоҳида деярли эришиб бўлмайдигандай бўлиб кўринадиган тадбирларни узлуксиз излаб топиш, уларнинг нисбати ва, энг муҳими, бу ижтимоий тадбирларнинг нечоғлик мақбуллигини ўйлаб кўришдир.

Ўзбекистонда ислоҳотни «зўриқмай шошилиш» тамойилига суяниб амалга ошириш мумкин ва зарур. Бу ерда, юқорида айтилганидай ошиқишни асло хуш кўришмайди. Ўтиш даври шароитида эса бу ҳақиқат умумаҳамият касб этади.

Монреалдаги Мак Гил дорилфунунининг профессори М. Бунге шу муносабат билан боғлиқ равишда қуйидагича фикр билдиради: «Ўтиш доимий жараён бўлмоғи керак, сабаби — инқилоб ҳаддан кўп кулфатлар ва ижтимоий йўқотишларга олиб келади».

Ижтимоий йўқотишлар ҳақида гап кетадиган бўлса, бу борада И. Каримовнинг тутган йўли яхши маълум. Бу тўғрида у ўз фикрини етарли даражада баён қилган. «Ўйлаб кўринг, — деган эди ўз нутқларидан бирида, — агар биз Гайдарнинг «фалаж қилиб даволаш» усулини Ўзбекистон шароитида қўллайдиган бўлсак, биласизми, қандай аҳвол юз беради? Ярим аҳолиси болалар ва ўсмирлардан иборат мамлакатда бу қандай оқибатларга олиб келишини бир тасаввур қилиб кўринг».

Бошқа бир пайтда И. Каримов суҳбатдошидан: «Сиз ўз танқидий чиқишларингизда қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ислоҳотларни ўтказишдаги радикализм йўли — бу, оддий одамлар манфаатига ҳамиша зид бўлиб келганлигига наҳотки ишонмасангиз?» деб сўраб кўрган эди.

Достоевскийнинг «Оға-ини Карамазовлар»ида Иван Карамазов иниси Алексейга шундай сўзларни айтади: «Ўзинг менга айт, фақат ўтинаман, тўғрисини айтасан, қани, жавоб бер, мана сен охир-оқибатда, одамларни бахтли-саодатли қилувчи инсоният қисматининг биносини тикка қилаяпсан дейлик, бироқ бунинг учун лоақал биронта гўдакни албатта қийноқ-азобларга солиш зарур бўлиб қолса, сен бундай шароитда ўшандай иншоотнинг меъмори бўлишга розилик берармидинг? Йўқ, рози бўлмасдим, — деди Алёша секин овозда». Бу Президент Каримовнинг фикрларига жуда ҳамнафас.

Посткоммунистик мамлакатларда ислоҳотларни жадаллаштириш муаммоларига бағишланган публицистик мақолалардан бирида Инжилга мурожаат қилинади. Аниқроғи, оға-ини Исаф ва Ёқубларнинг узоқ ҳижрондан кейин Саҳрои Кабирнинг қаердадир бир қоқ марказ жойидаги учрашуви воқеаси баён қилган 33-боби тилга олинади. Биз ҳам шу воқеани эслаймиз. Ҳаётда кўпроқ омади келган Исаф укасини тоғлар ортида жойлашган ўз боғига чорлаб, фақат иложи борича тезроқ юришини сўрайди. Ва Ёқуб акасига орқасида унинг боғини яширган тоғларга ғамгин назар ташлаб, жавоб беради: «Ҳазратимга маълумки, болаларимнинг танаси қотмаган, норасида ва қорамолларим эса соғилади, агар мен уларни бир кун ичида қувлаб ҳайдасам, бор молларим ҳалок бўлади,

14 15

сислари иштирокида «давра суҳбати» ўтказилди. Бу давра суҳбати: «Мовароуннаҳр кишиси: сароб ва ҳақиқат» деган шиор остида бўлиб ўтди. Унда ўша давр муҳитида қулоққа янги, ҳатто эшитган кишини ваҳимага соладиган бир алпоздаги кўпгина фикрлар айтилди.

Жумладан, статистик маълумотлар ва бошқа расмий ҳужжатлар асосида ўша «давра суҳбати»да ўзбек халқининг турмуш даражаси собиқ СССРда энг паст даражада эканлиги, бу ердаги тирикчилик, ҳатто кўпгина Африка мамлакатларидагига нисбатан ҳам орқада туриши таъкидланади.

Чунончи, юқорида номи эсланган публицист Лерман Усмонов, мана, нима деб ёзган эди: «Мен яқинда Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг қишлоқ туманларида, Фарғона водийсида ҳам бўлдим. Бир хилдаги — яъни тўйлар, суннат тўйлари, диний байрамлар билан ўтадиган одатдаги кунлар, фақат нарх-наво чақиб олай дейди, қолгани ёмон эмас. Анъанавий чойхўрлик ва пишиб-пишмаган кулча нон, мажбурий узлуксиз меҳнат ва кўзга яққол ташланиб турувчи кўримсиз кулбалар, кийимлар, овқатлар. Оддий меҳнаткашларнинг камбағаллиги халқ турмуш даражасининг ночорлигидан, оилаларнинг астойдил сир сақлаб келинаётган мушкулликларидан тилсиз гувоҳлик беради. Йўқчиликнинг тавқи лаънатларини ҳеч ким ошкор этгиси келмайди. Бизнинг халқимизнинг сертоқатлилиги, ўта қаноатчанлилиги, итоаткорлиги гоҳида кишини ғоятда таажжублантиради. Унинг қисмати азал-азалдан шундай бўлиб келган, уни дини ислом ҳам шунга даъват этган Совет даврида эса биз уни шахсий қадр-қиммат, адолатга ишонч, ҳис-туйғулардан тамомила маҳрум этдик».

Журналлар ва газеталардаги мақолаларда, шунингдек совет жамиятининг идеаллари ва қонун-қоидалари одат тусини олган миллий урф-одатлар ва ахлоқ тамойилларини асло ўзгартира олмаганлиги ҳам баён қилинади. Тўғри, улар бурчакка сиқиб қўйилди, лекин иш шундан нарига силжимади. Нега? Негаким, ўзбек оиласига барибир тўқчилик ва маъмурчилик келмади, социализмнинг миллионлаб туб аҳолини боқишга асло қурби етмади, устига-устак, ерни хароб қилди, Оролни ўлимга маҳкум этди ва халқни оғир экологик кулфатлар ёқасига олиб келиб қўйди, миллий маданиятни таъқиб этди.

Бугунги кун нуқтаи назаридан шу нарсани қайд этиш мумкинки, республикада йиллар ва ўн йиллар мобайнида чатиштирилган, ўзлигини унутган, ясама маданият вужудга келтирилди, бу ҳол айниқса республика раҳбарияти ва зиёлилар муҳитида аниқ кўзга ташланади. Бундай дурагайлашган (мутацион) жараёнлар оқибатида ўзбек тилини заиф даражада биладиган ёки уни тамомила унутган, ўз халқининг маданиятидан, илдизларидан бегоналашган, айни пайтда, рус маданияти ва юрт меросини ҳам қониқарли эгаллай олмаган миллий кадрларнинг бутун-бутун авлодлари дунёга келди.

Муаллифлардан бири ҳаёт тўғрисида патриархал-исломий ва тоталитар-сталинча тасаввурларнинг менталитет бир қоришмаси пайдо бўлиб, у халқнинг муайян тоифасининг онгида, хусусан ўрта ва кекса авлод тафаккурида маҳкам ўрнашиб қолганлиги, шунингдек, миллий маданият ва маънавиятнинг энг ҳал қилувчи бўлаклари асосасосигача бузилганлиги тўғрисида ёзади.

Бошқа бир мақола қуйидагилардан гувоҳлик беради:

12

модомики шундай экан, Ҳазратимнинг ўзлари ўз қулининг олдига тушиб йўл бошласинлар, мен бўлсам, олдимда бораётган моллар ва болаларимнинг туёқ олишига қараб, секин бораверайман». Мазкур Инжил ривоятида, шу тариқа, наинки ҳаракатнинг йўналиши кўрсатилган, балки унда ҳаракатланиш суръати ҳам баён қилинган.

Лашкарнинг ҳаракатланиш суръати ярадорларни ортган карвоннинг тезлигидан баланд бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, бу лашкарнинг, қандай мақсадга интилмасин, қанчалар чираниб кучанмасин, барибир иши ўнгидан келмайди. Иқтисодий ҳаракатланиш, бу албатта, янада мураккаброқ — аниқ ҳисоб-китобларга таянган ривожланиш суръатини белгилаш, гоҳида ялқовлик қилиб орқада қолаётганларни нуқиб туриш учун қандайдир қамчинни ўйлаб топиш зарур, фалсафий ва ахлоқий жиҳатлардан эса, барибир, ўша-ўша гап: «болалар ва молларнинг туёқ олишига қараш».

Ногиронлар ва қарияларни таъминлаш учун пулни қаердан олиш тўғрисидаги масалага ногиронлар ва қариялар мана бундай деб жавоб беришлари учун тўла асослари бор: «Бизнинг нима ишимиз бор. Майлига, отиб ташланглар. Майлига, агар сизлар ўз базми жамшидларингизга шу қадар ошиқаётган экансизлар, отиб ташланглар, майлига, беморлар ва ярадорларни бўм-бўш саҳрога итқитиб ташлаб кета қолинглар». Ва бундай нохуш ҳодисалар тарихда озмунча содир бўлмаган. Ўзбекистон Президенти учун эса бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Радикал иқтисодий ислоҳотлар тарафдорларининг ўзи бугунга келиб, бозорга ғолибона шитоб билан кириб бориш насиб қилмаганлигини эътироф этмоқдалар. Нега шундай — бу, энди бошқа масала, бироқ ҳужум барбод бўлди. Бундай йўлнинг хатарли эканлигини И. Каримов бошдаёқ, яъни 1992 йилнинг январида айтиб огоҳлантирган эди.

Ўтиш даври ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, унинг табиий ва инсоний омиллари, маданиятининг ўзига хослиги, сиёсий тузумнинг алоҳида хусусиятларига кўра ҳар гал бошқача шаклларда рўй беради. Бироқ, ҳар қандай ҳолда ҳам, бу жамиятнинг ўз мантиқ ва ривожланиш механизмларига эга алоҳида мустақил бир ҳолатидир. Бу тизимнинг самарадорлигини нималар белгилайди? Жамият бўҳронлардан тараққиёт йўлига чиқа оладими, бу нималарга боғлиқ?

Жаҳон бу маънода улкан тажриба тўплаган ва у ривожланиб келаётган мамлакатлар томонидан ўрганилмоқда. Ўрганилса-да ҳар доим ҳам бу тажрибалардан фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Жаҳон тажрибасининг кўпгина хулосалари Ўзбекистон воқелигига яққол ҳамнафасдир. Афтидан, мазкур тажрибаларни уларни юзага келтирган ўз ноёб тарихий муҳитида олиб қараш, идрок этиш лозим, шундагина ўзгаларнинг хатоси такрорланмайди, ўз хатоларидан қочиб қутулиш эса ҳали ҳеч кимга насиб этмаган. Ёки ўзгаларнинг хатоси ҳеч нарсага ўргатмайди, дейдиганлар ҳақми?

Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида ўтиш даври амалда қуйидаги ҳал этувчи ижтимоий муаммолар билан узвий боғлиқ:

— давлатнинг ислоҳотларни ўтказишдаги бунёдкорлик роли билан;

— жамиятнинг ижтимоий имкониятларини сафарбар этиш билан;

— ўрта ҳол синфни шакллантириш ва кенгайтириш билан;

— Энди Ринат Жаводович, сиз бошқарув раиси сифатида халқаро йўналишдаги алоқалар ва улар қай йўсинда ҳал этилаётгани ҳақида нималар дея оласиз?

— Бу борада ҳам ишончли ва кафолатланган ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан, уларнинг соҳамизга яқин бўлган фирмалари билан қисқа муддатда ўзаро манфаатдорлик алоқаларини ўрнатдик. Юқорида Россиядаги автомобиль ойналарини тайёрлаш заводи билан ҳамкорлигимиз ҳақида гапирган эдим. Бугунги кунда биз узоқ Тайвандан нафақат автомобиль тармоғи учун, балки республикамиз саноат тармоқлари учун энг зарур бўлган бошқа асбоб-ускуналарни ҳам келтиришни йўлга қўйдик. Ҳозир эса, Голландиядан катта ҳажмда юк ташиш қувватига эга бўлган қайтадан тўлиқ таъмирлашдан чиқарилган автомобиллар олиб келинмоқда.

— Шу масалага кенгроқ тўхталсангиз. Голландиядан келтирилаётган машиналар арзон бўлиб, кейинчалик уларнинг тезда ишдан чиқишининг гувоҳи бўлмаймизми?

Бундай шубҳага ҳеч ўрин йўқ. Ғарб мамлакатлари андозалари бизнинг андозадан батамом фарқ қилади. Улар деярли янги машинани ҳам ҳисобдан чиқаришлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар уларнинг ишдан чиққан ёки емирилган қисмлари ва деталлари алмаштирилса, улардан кўп йиллар мобайнида унумли фойдаланиш мумкин. Ўзингиз уйлаб кўринг: юк ташишга мўлжалланган янги «Мерседес-Бенц» русумидаги автомобиль жаҳон бозорида 250 минг АҚШ доллари ҳисобида туради. Энди сиз шубҳа билдириб айтган Голландия фирмасидан қайта тўлиқ таъмирлашдан чиқарилган худди шу русумдаги транспорт воситалари (фойдаланиш ва кафолатланишга доир берилган муддатлар доирасида) мамлакатимизга етказиб берилса, бунинг нимаси ёмон? Бунинг устига унинг баҳоси атиги 60 минг АҚШ долларини ташкил этса...

Бизнинг Голландиядаги шерикларимиз ҳақида икки оғиз сўз. Бу фирма 40 йилдан буён ушбу мамлакатда фаолият кўрсатаётган оилавий фирма ҳисобланади. Мазкур фирма энг кучли ишлаб чиқариш асосига эга. Бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги автомобиллар шу фирмада узининг иккинчи «умри»ни бошлайди. Чунки «хизматдан» чиқарилган машиналар бу фирмага келтирилгандан кейин шубҳа туғдирган ҳар бир деталь ва қисми алмаштирилади. Уларни аниқлаш учун диагностика ва синовдан ўтказиш стендлари мавжуд. Ҳар бир қайта таъмирланган автомашинани қиёмига етказилган даражадаги синовдан ўтказиш учун моҳир ҳайдовчилар жалб қилинган. Синов жараёни натижалари жаҳон талаблари меъёрига жавоб бермагунича мазкур транспорт воситасининг четга сотилиши қатъиян ман этилади. Чунки фирма фақат ўзи қайта таъмирлаб чиқарган машиналарнинг хорижга чиқарилишидан манфаатдор.

— Кўпгина шериклар ўзлари харид қилган автомобилларга эҳтиёт қисмларнинг топилмаётганидан нолишади-ку...

— Бу муаммо ҳам ўйлаб қўйилган. Бизга техник воситалар билан биргаликда унинг учун энг зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ҳам олиб келинади. Бундан ташқари хориждан олиб келинаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш учун манфаатдор ташкилотлар мавжуд. Улар бундай хизматни тез кунларда амалга ошириш истакларини билдирмоқдалар. Биз ҳамма ҳолатларни эътиборга олганмиз. Ҳамкорлик қилмоқчи бўлган мижозлар ҳеч қачон пушаймон бўлмайдилар. Тадбиркорлар энг керакли ҳамкорларимиздир.

Бу ишларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Лекин йўлимизни топдик. Бу йўлдан оғишмай, бошлаган фаолиятимизнинг янги қирраларини очишимиз, олға интилишимиз қолди. Бизга берилган имконият шунга чорлайди!..

Суҳбатдош: В. ГЛАДИЛОВ.

Эҳтиром

МИНГ БОҒЛИ БОҒБОН



Маҳмуд Мирзаевни Ўзбекистонда танимайдиган, билмайдиган одам йўқ десак ишонаверинг. Бутун умрини боғдорчилик фани ривожига, ўлкамизни гуллатиш борасидаги амалий ишларга сарфлаб келаётган бу табаррук отахон етмиш беш ёшга тўлдилар. Чоракам бир аср юзини кўраётган академиклар боғбони, боғбонлар академиги сермазмун ҳаёти давомида жуда катта йўлни босиб ўтди. У кишининг қўёшли жамоли ойнаи жаҳон кўзгусида пайдо бўлса, ҳамма «Ана, Маҳмуд ота чиқдилар» деб доно ва пурҳикмат сўзларига қулоқ осадилар, нозик ниҳолдан сермева дарахт ўстириш бўйича маслаҳатларини мароқ билан тинглашади.

Оқсоқол узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий ҳудудида бўлганмисиз? Бамисоли жаннатнинг ўзи! Агар бу ерга рассом зоти қадам қўйса беихтиёр мўйқаламини қўлга олганини билмай қолади. Шоирлар-ку илҳом парисини шу серҳосил дарахтлар орасидан топишган десак муболаға бўлмас. Маҳмуд отанинг истаралн чеҳраларига қараб, у кишини мўл мева берган дарахтга қиёс қилиш мумкин. Элга танилган олимнинг шогирдлари фан соҳасида ҳам, ишлаб чиқариш қўмондонлари қаторида ҳам кўплаб топилади. У киши яратган кашфиётлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда кенг татбиқ этилган. Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли мевали кўчатчилик хўжаликлари Ўзбекистон бўйлаб қанчалигини санаб саноғига етолмадик. Кўплаб вилоятлардаги филиаллар эса дала ва лабораториялар, амалиёт ва фан ўртасида кўприк бўлиб турибди.

Яқинда Маҳмуд ака қўлимизга бир дафтар тутқаздилар. Аввалига уни агротехник кузатувлар натижаси битилган дафтармикан, деб ўйладик. Варақлаб қарасак отахоннинг ҳаётий хулосалари ёзилган сўзлар экан. Чинакам дунёвий фалсафа мужассам бу ёзувларда. Улардан баъзиларини келтирамиз.

- ***Ҳақиқий боғбон яшнаб турган ниҳолга кўзи тушганда чарчамайди.***
- ***Бир туп дарахтдан юз туп қаламча ўстирган юз бор савобга қолади.***
- ***Баҳор фасллар бошигина эмас, ҳосиллар боши ҳамдир.***
- ***Ақлли одамнинг ва мевали дарахтнинг боши эгик бўлади.***
- ***Ерга эгилган кўкка юксалади.***
- ***Ҳовлига кириб хонадон соҳибининг қандай одамлигини айтиш мумкин.***

Қадимда сердаромад кишиларга нисбатан «Минг қўйли бой» деган таъриф беришарди. Таъбир жоиз бўлса, Меҳнат Қаҳрамони, академик Маҳмуд Мирзаевни бугун «Минг боғли боғбон» дейиш мумкин.

Бугун олижаноб инсонга минг-минглаб шогирдлари, боғлари мевасидан баҳраманд мухлислар таъзим қилишади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

КЛИНТОН «ЎРА»ГА ТУШИБ ҚОЛДИ

Ўтган сешанба куни Техас штати ҳудудида АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг самолёти чуқур «ҳаво ўраси»га тушиб қолди. АҚШ маъмурияти раҳбари авиалайнернинг олдинги томонида келаётгани сабабли ҳеч қандай зарар кўргани йўқ. Самолётнинг орқа томонида келаётган Президентнинг қўриқчилари ва журналистлардан айримлари креслодан учиб кетишди.

Билл Клинтон мамлакат бўйлаб навбатдаги сайловолди сафарини амалга оширяпти. Бироқ Техас яқинидаги Лаббок шаҳри атрофида кучли жала туфайли бирмунча қийинчиликка учради. Самолёт аэропортга эсон-омон қўнганидан сўнг «Оқ уй»нинг матбуот котиби Майкл Маккорри Клинтон худди ўша пайтда камарни боғлашга улгуриб қолганини айтди.

ЧЕХЛАР БОЙЛАРНИ ЁМОН КЎРИШАР ЭКАН

Кўпчилик чехлар бойларни ёқтиришмайди. Уларни асосан қаллобликда айблашмоқда. Мамлакат аҳолисининг 81 фоизи Чехиядаги бойлар хусусий мулкни ҳеч қандай меҳнат қилмай топган, дейишмоқда. 73 фоиз аҳоли эса бу бойлик ноҳалол йўл билан топилган, деган фикрни билдирди. Мамлакатда бойлар кўпайиб бораётгани 69 фоиз аҳоли томонидан адолатсизлик, деб баҳоланмоқда.

БАҲС ЯКУНЛАНДИ

Машҳур киноактриса Жоан Коллинз ва «Рэнд хауз» нашриёти ўртасидаги юридик баҳсга якун ясалди. Икки соатлик кенгашдан сўнг Нью-Йорк суди қуйидагича қарорга келди: Кино юлдузига 1 миллион 200 минг доллар миқдорида қалам ҳақи тўлансин. Нашриётчилар эса Коллинзнинг китоби зерикарли бўлгани сабабли ушбу катта қалам ҳақини қайтаришни талаб қилганди. Бироқ суд китоб ўз вақтида ёзиб тугатилганлигини ҳисобга олиб нашриётнинг талаби ҳеч қандай асосга эга эмас, деб ҳисобланди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЕТУКЛИК ИМТИҲОНИ

Мана кўпдан бери кутилган дамлар келди. Эртага Россия Федерациясида Президент сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сайловга жаҳон матбуотида турлича қарашлар, муносабатлар эълон қилинмоқда. Қуйида ана шу қарашлардан айримлари билан танишасиз.

Сиёсий иқлим

- «Бўлажак Президент сайловлари Россия демократиясининг етуклиги учун асосий имтиҳондир». Бу ҳақда АҚШнинг собиқ адлия вазири Ричард Торенберг баёнот берди. У республикачилар партиясининг халқаро институти делегацияси таркибида Москвага йўл олди. У бу ерда бошқа мустақил халқаро кузатувчилар қатори 16 июнь куни овоз бериш жараёнини кузатади. «Биз фақатгина сайлов арафасида эмас, балки ҳар бир сайлов участкасида овоз бериш жараёнини кузатамиз. Бизнинг штаб-квартирамиз Москвада жойлашади. Бошқа кузатувчилар эса Санкт-Петербург, Волгоград, Воронеж ва бошқа шаҳарларга тарқалиб кетадилар», — деди Р. Торенберг.

***

- Россиядаги жамоатчилик фикрини ўрганишдаги саволларга одамлар аслида ўзлари фикрлаб турган гапларни айтишмаяпти. Балки тескари фикрларни билдиришяпти, — деб хабар қилади Би-би-си радиоси. — Улар фақат раҳбариятдагиларга маъқул келадиган фикрларни айтмоқдалар. Шу боис аввалги сайловда ҳам одамларнинг фикрлари жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари билдирган маълумотларга тўғри келмаганди. Лекин шунга қарамай асосий савол-жавобларнинг натижаларига кўра Ельциннинг обруси тобора ошиб боргани маълум бўлди. Айниқса, радио ва телевидение орқали оммавий равишда реклама қилинганлиги ҳам унинг обрусини оширди.

***

- Тўғрисини айтганда, — деб ёзади «Интернешнл геральд трибюн» газетаси, — Президентликка номзодларнинг ҳеч бири мамлакатни капитализмнинг учиш майдонига оҳиста қунишини таъминлай оладиган даражада юксак сифатларга эга эмас. Уларда демократик тушунчалар, сиёсий сезги ва ташкилотчилик маҳорати ҳам етишмайди.

Қисқача айтганда...

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида босилган маълумотларга кўра, АҚШнинг ҳарбий харажатлари 1985 йилдаги 6,5 фоиз ўрнига 1992 йилда 5,3 фоизга пасайган. Мудофаа бўйича ноҳукумат марказининг хабарига кўра АҚШнинг ҳарбий бюджети 1996 йилда 254 миллиард долларни ташкил этади. Бу эса Россиянинг ҳарбий бюджетидан 4 баробар кўпроқдир.

***

- **Американинг «Натаниэль Палмэр» кемаси қалин музлар оралаб ўтиб, Россиянинг Антрақтидадаги «Мирний» станциясига етиб келиши керак. Бу ерда Россия илмий ва техник ходимларидан 38 киши бор. Улар ҳозирча барча нарсалари тугаб қолганлиги сабабли америкаликлар ёрдамига муҳтож.**

***

- **Япония Вазирлар Маҳкамаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда катта қийинчиликларни бошидан кечираётган Корея Халқ Демократик Республикасига 6 миллион АҚШ доллари миқдорида хайрия ёрдами кўрсатишга қарор қилди.**

Европа чемпионати

ШИДДАТ ВА НИЯТ

Англия шаҳарларида Европа футбол чемпионати бошланганига бир ҳафта бўлди.

Бу кунлар 16 терма жамоа учун имкониятларни чамалаш, маҳоратни ишга солиш синови бўлди. Маълумки, дастлабки саккиз учрашувдан тўрттасида дуранг ҳисоби қайд этилгани ҳам жамоаларнинг синовчан ҳаракат қилганларидан нишона. Фақат чемпионликка даъвогар деб ҳисобланаётган Франция, Германия, Италия футболчилари дастлабки учрашувларда ёқ шиддат кўрсатиб, мўлжаллари баланд эканини намойиш этдилар. Лекин Хорватия футболчилари Туркия жамоасидан устун келган бўлсалар-да, уларни чорак финалга йўлланма олишларига умид боғлаш қийин. Иккинчи тур ўйинлари эса фақат галаба билан бошланди. Хусусан, Голландия футболчилари Швейцария жамоаси дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллаб, амалда курашни давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, ғолибликка талабгорлардан саналган Болгария футболчилари ҳам Руминия жамоасини догда (1:0) қолдириб, ўз гуруҳларида учта очко тўплашга эришдилар. Бугун Шотландия—Англия, Франция — Испания футболчилари майдонга тушадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ахлоқ мавзуида

ҲАЁСИЗГА

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани халқ суди фуқаро Замира Хайруллаевани Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-модда, 3-қисми билан айбли деб топди. Қизларни шаҳвоний мақсадда фойдаланиш учун ёллаб, хорижга олиб кетмоқчи бўлган бу жувон 6 йилга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилиниши тўғрисидаги ҳукм ўқилганда ҳам пинагини бузмади. Аммо ҳукмдан норози эканлиги тўғрисида кассация тартибида вилоят судига шикоят хати ёзди. Уни кўриб чиққан вилоят судлов коллегияси йиғилиши мазкур ҳукмни ўз кучида қолдирди.

Хўш Замира Хайруллаева ким? У бундай шарм-ҳаёсизлик йўлига қандай кирди?

Замира тузуккина рўзғорда тарбия топди. Касб-корли, оилали бўлди. Фарзанд кўрди, ўғил. Аммо у шоҳона яшашга, кийим-кечакка, зебу зийнатга ҳирс қўйди. Лекин биргина маош билан бунга эришиб бўлармиди? Йўлини излади, бўлар-бўлмасга эри билан айтишадиган одат чиқарди. Хуллас, оилага дарз кетди, ажрашди.

Энди боши очиқ. Қаерга боради, нима билан банд бўлади —суриштирадигани йўқ. Ҳатто ишлайдиган 38-болалар боғчасидаги вазифасидан воз кечди! Бевосита тижорат, кайфу сафо билан шуғулана бошлаганда тақдирининг не кечишини ўйламади. Чунки олди-сотди жараёнида анча-мунча бойлик орттиришга кўзи етарди-да. Қўли пул кўргач, жазман ва ҳомийлар орттиргач иши бароридан кела бошлади. Бир неча бор Бирлашган Араб Амирликларига «саёҳатда» бўлди. Бунда унга «Комил Бухорий» сайёҳлик фирмаси мутасаддилари кўмак беришаверди.

Маълумки, Бирлашган Араб Амирликлари маркази — Дубай жаҳон бозорларининг хилма-хил маҳсулотларига сероб. Доллар бўлса-бас, бўзчининг мокисидек қатнайвер. Шундай бўлди ҳам. Борди-келдидан анча сармоя орттирган Замира яшайдиган Бухоро шаҳри Жомий кўчаси 32-уйининг 54-хонаси худди музейни эслатарди. Хорижда ишлаб чиқарилган мебеллар, кўзни қамаштирадиган гиламлар дейсизми, биллур қадаҳлар дейсизми — ҳаммаси оша-тоша. Уйи олдида турадиган хориж маркали енгил машиналарининг сони кўпайгани-чи?

Бу билан чекланса бўларди-ку? Афсуски... Халқимизда бор борини — уятсиз орини ейди, деган нақл бор. Энди у ҳаёни ҳам, ор-номусни ҳам бир чеккага суриб қўйди-ю, даромад излашдан толмади. Дубайда бўлган кезларида бадавлат шайхларнинг кўзини қамаштирадиган машиналарда хорижлик қизлар билан «умргузаронлик» қилаётганликларига эътибор берди. Сўраб-суриштирди: иффати бузилмаган қизларга улар яхши ҳақ тўлашармиш! Ҳар бири учун 10 минг доллар тортиқ қилишса—қандай яхши-я: уриниб кўриш керак. Эҳтимол «Е», «М», «Г» лардан фойдаланса-чи? Қизлар рози бўлишармикин? Кўнмай ўлибдими, ахир беиш юришибди-ку?! Фақат аврош керак.

ҲАР КУН

Хориждан шу хаёллар билан қайтган З. Хайруллаева ҳар учала қизнинг кўнглига қўл солди. Зеб-зийнатга ҳавасманд қизларни алдаб, уларни даромаднинг тенг ярмига шерикчиликка кўндирди. Башанг кийим-бош, йўл ҳаражатларини ўз зиммасига олди. Иш хамиридан қил суғургандек битиб борарди. Лекин Замира орқасидан «киши» тушганини қаердан билсин...

«Тошкент — Шаржа» йўналишида учувчи самолётга йўловчилар чиқиши эълон қилинди. Замиранинг ҳаяжони вужудига сиғмасди шу топда. Тортиққа олиб бораётган қизларнинг юзига боқди. Улар ҳам ҳаяжонда. «Самолётга чиқиб олсак бўлгани, у ёғи». Жувоннинг хавотири зўрайди. Шу тобда нотаниш кишилар уларни милиция хонасига таклиф қилишса бўладими. Шунда улар сафарлари қариганига ишондилар. Ўшанда 1995 йилнинг 9 ноябри эди...

— Мени бу йўлга ундаган З. Хайруллаева, — дейди судда «Е» афсусланиб. — Ўшанда 1995 йилнинг ёзи эди. Замира мени айтганим билан шуғуллансанг олам кўрасан, пулдор бўласан деганда рози бўлдим. Йўл харажатларини ўзим тўлайман деди. Бадавлатлар билан тунни бирга ўтказсанг, 5 минг доллар оласан дея гаров тариқасида 5 та буюмни сўради, бердим. Лекин...

— Оилавий аҳволим ёмонлиги, камчиликлар борлигини кўрган Замира опа менга Дубайга бориб келишни таклиф этди, — дейди судда гувоҳлик берган «Г». — Шундан сўнг у киши менга паспортингни олиб кел, деди. Айтганини қилдим. Пулим йўқлигини билиб виза ва бошқа ҳужжатларга мен учун 500 доллар тўлаганликларини айтдилар. Дубайда «ишлаган ҳақимдан» уни чегириб қолишини билдирди. Рози бўлдим.

Буни қарангки, З. Хайруллаева 1969 йилда туғилган «Г»ни иш тури билан таништирмайди. Ахир, Дубайда қандай иш билан шуғулланади «Г»? Бундай тузоққа 1970 йилда туғилган «М» ҳам тушганлигини пайқамаган чоғи. Хўш, хорижда қандай «ёлланма» меҳнат билан шуғулланиш мумкин? Фақат танфурушлик-да. Бу илгари ўша ёққа шу мақсадда бориб келган, 1968 йилда туғилган, ҳеч бир фойдали меҳнат билан шуғулланмаган «Ф» (Замиранинг эски таниши)ни сўроқ қилиш баённомасидан очиқ-ойдин келтирсак, ишончли бўлади: «Мен отелда бир йигит билан танишдим. «Л» (уни амирликка олиб келган бошқа бир қўшмачи аёл) боргин, шу билан ётгин, деди. Мен у билан 7 кун учрашиб турдим. «Л» менга бир чақа ҳам бергани йўқ. Муҳаммад (яъни ўша йигит) билан дискотекага бордик. Дискотека менеджери Аббос мендан ишга кирасанми деб сўради. 8 кун ўша дискотекада ишладим. Аббос менга 1500 доллар бериб, Тошкентга узатди...»

ҲАЙ-ҲАЙМИ?

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Дискотекада ўзбек аёли, қандай шармандалик! Номусини долларга сотган ҳаёсизлар қаердан пайдо бўляпти? Ахир, улар ҳамон орамизда-ку? Бири қўшнимиз, бири танишимиз, бири маҳалладошимиз. Уларнинг ҳам онаси, қариндош-уруғи бордир? Номус қилишмайдими? Қилишганда олий маълумотли тарбиячи З. Хайруллаева искиртлик, фаҳш ботқоғига бокира қизларни итарармиди? Унинг кекса онаси қандай бош кўтариб юради, норасида ўғли тақдири не кечади энди? Биздаги лоқайдлик маънавиятимизга салбий таъсир этаётганини қачон пайқаймиз? Шаҳар ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла оқсоқоллари, ёшлар ташкилотлари қаёққа қарамоқдалар? Ана шу саволларга холисона ёндашишнинг, юрт, ватан шаъни, миллат ор-номуси ҳақида ўйлашнинг вақти етмадимикан? Енгил ҳаёт илинжида бўлган қизжувонлар юқоридаги бу воқеадан огоҳ бўлишса, фойдадан ҳоли бўлмасди!

Қодир ЙЎЛЛИЕВ,
Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани халқ суди раиси,
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 5-бетда).

18.00 «Музей заллари бўйлаб». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

*

20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 «Мусиқа ҳақида мулоқот». Моцарт. 2-кўрсатув.
23.10 — 23.15 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Компьютер-ревю».
19.25 «02» тўлқинида».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Каталог».
21.05 Эълонлар.
21.10 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
21.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.25 «Эколот-коктейль».
22.55 «Кўнгилнинг етти кўзи».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Кино ва телевидение оламида». Кинокўрсатув.
9.25 «Қирқ ҳунар ҳам оз...».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Немис тили.
11.00 «Маърифат маскани».

*

11.20 «Олтин мерос». Эшвой.
11.50 «Бўстон». Телевизион журнал.
12.30 «Ҳамкорлик самараси». Ширага қарши кураш усули.
12.45 «Ана Бумбо келди». Болалар учун фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Хиванинг 2500 йиллигига. «Абадият ёғдуси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Таянч устунлар». Етакчи тармоқлар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Марказ ва минтақалар». Бухоро вилояти иқтисодиётининг таркибий тизимлари.
21.45 «Пойтахт концерт залларида». Мусиқий дастур.
22.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол майдонларида.
00.25 — 00.35 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.25 «Юлдузлар».
18.55 «Блиц». Фотокўрик.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сиздан ишорат...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага — шанба».
21.25 «Мафтункор чеҳралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Менинг республикам». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.40

*

20.40 «Бир умр мобайнида». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Янгиликлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Учқун».
19.20 «Кафолат».
19.50 «Билиб қўйган яхши».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.50 «Режиссёр».
21.20 «Бизнес-академия».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Мусиқий меҳмонхона».
22.20 «Бу бўстон аро...».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Кинематограф».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
9:50 «Қайнона». Бадиий фильм.
11.10 «Сўз сеҳри». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, аскиячи Махсум Қозоқовнинг 75 йиллигига.
11.40 «Кичкинтой устахонаси».
12.10 «Ғазалхон ёшлигим». Тележурнал.
12.40 — 14.10 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қувноқлар даврасида».
18.30 Спорт хабарномаси.
18.40 «Пул ҳангомалари». Ғ. Ғулом ҳажвиялари асосида.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нефтчи».
23.00 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
23.15 «Ўзбекистон юлдузлари». Мусиқий дастур.
23.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 Болалар учун фильм.
12.35 «Автосалон».
12.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
13.35 «Кинонигоҳ».
15.15 «Спорт қитъаси».
18.00 «Совға».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

16.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
16.45 — 20.40

*

20.40 Футбол. Европа чемпионати. 1/4 финал.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Театр воқеалари». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30 — 24.00

*

24.00 — 00.10 «Ғилон». Телефильм.

IV

10.00 «Болалар интерфестивали-96». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кўрсатув.
11.00 Эълонлар.
11.05 — 12.25 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мульттўплам.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Бу ажиб дунё».
19.20 Янгиликлар.
19.30 «Чинсэн».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 «Эсдалик учун дастхат». Роза Бобоева.
20.55 «Сайёрамиз садоси».
21.15 «Рақслар қанотида». Греция санъати.
21.45 Эълонлар.
21.50 Кинонинг олтин асри. «Катта пойга». Бадиий фильм.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Шоҳрух» клуби.
11.30 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова.
13.40 — 15.10 Футбол. Европа чемпионати.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
18.20 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шарқ тароналари». Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг ижодий кечаси.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.10 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
22.00 «Сени излайман». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навруз» — «Нурафшон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Европа чемпионати.
01.30 — 01.40 Тунги концерт.

II

9.00 «Эртак».
9.10 «Блиц». Фотокўрик.
9.20 «Сиздан ишорат...».
9.50 «Ривоят».
10.00 «Мафтункор чеҳралар».
10.25 «Таманно».
10.35 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
11.30 «Мактуб».
11.40 «Имкон чўққилари».
12.00 «Кўнгил».
12.30 Видео янгиликлари.
12.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
13.30 — 15.10 Видео — «О».

* * *

17.30 «Келгуси ҳафтада».
17.45 Эълонлар.
17.50 «LEGO» сайёраси.
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Футбол олами.
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Келгуси ҳафтада».
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 Видео — «О».

III

16.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
16.55 — 22.15

*

22.15 Эълонлар.
22.20 — 22.45 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 Эълонлар.
12.20 «Парле ву франсэ?». Француз тили ҳамма учун.
12.50 «Маззаа!».
13.05 «Жонли сайёра».
13.25 «Ҳар соҳадан бир шингил».
13.40 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 2-серия.
15.00 «Оқ соя».
15.30 «Учувчи шифокорлар». Телесериал. 1—2-серилар (Англия).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Бу ажиб дунё».
19.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.25 «Иштирок этувчилар».
20.55 «Туризм-ревю».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Сенинг вақтинг».
22.10 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 3-серия.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азамат ЗИЁ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Салим АШУРОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 30414 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0302

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

БЎЛАЖАК ГРОССМЕЙСТЕРЛИКДАН НИШОНА

Шатранж оламида

Яқинда пойтахтимиздаги марказий зобитлар уйида аёллар ва эркакларнинг Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Мусобақанинг охирги тури олдидан 12 имкониятдан 10 тадан очко жамгарган ФИДЕ мастерлари Рена Мамедова билан Анжела Хегай ўзаро дона суришди. Аввалига нисбатан осойишта давом этган кураш ўйин ўрталарига бориб, қутилганидек кескинлик касб эта бошлади. Оқ доналарни ҳаракатга келтираётган Анжела қутилмаганда бир зарба билан рақибини гангитиб қўйди. Мамедованинг шоҳи ногоҳ икки юришда мот турига тушиб қолди. Қизғин курашлар 13 имкониятдан 11 очко жамгарган Анжелла Хегай эса бирваракайига уч нишонни забт этди: республика чемпионлигини, 20 ёшгача булган қизлар ўртасида жаҳон ҳамда Осиё биринчиликларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Кейинги совринли ўринлар тақдири спорт усталигига номзод Ирина Горшкова билан халқаро мастер Ольга Ким ўртасида булди. Ўйин ўрталарида республиканинг кўп карра чемпиони Ким ортиқча ўткир зарбалар билан рақибини танг ҳолатга тушириб қўйди. Горшкова таслим булди. 10,5 очко билан Ольга Ким кумуш медаль, ундан ярим очко ортда қолган Мамедова эса бронза медалига сазовор булди.

Энг ёш иштирокчилар ҳақида гапирадиган булсак, 12 яшар Елена Корбутнинг тажрибали спорт устаси Алла Мкртичанга қарши ўйинда бир қанча сипоҳларини қурбон бериб, рақибини таслим этгани, самарақандлик спорт усталигига номзод Ирода Ҳамроқулова эса халқаро шахмат устаси Ольга Ким шоҳини чиройли мот қилганлигини айтиб утиш жоиз қуринади. Ушбу чемпионатда биринчи марта спорт устаси унвони учун талабгорларни белгилаш имкони яратилгани эса алоҳида аҳамият касб этади.

Эркаклар ўртасидаги баҳс чиройли якунланди. Унда 2 нафар халқаро гроссмейстер, 5 нафар халқаро мастер, 4 нафар миллий спорт устаси ва 3 нафар иқтидорли ёш шахматчи иштирок этди.

Айниқса, чирчиқлик гроссмейстер Михаил Салтаев билан халқаро мастер Сайдали Йўлдошевнинг шижоати кўзга ташланиб турди. Мусобақанинг биринчи ярмида улар бир-иккита дуранг қилиб, қолганларини нуқул галаба билан якунладилар ҳамда қолган иштирокчилардан анча узиб кетдилар. Бироқ уларнинг ҳам қушандаси чиқиб қолди. Олдин мусобақанинг энг ёш қатнашчиси самарқандлик 13 яшар Иброҳим Ҳамроқулов билан бехавотир дона суришган Сайдали қуп утмай ҳарифининг шундай ўткир зарбаларига дуч келдики, натижада, аввал бир сипоҳсиз қолди, сунгра дастлабки маглубиятини тан олди.

9-турда уйналган Салтаев — Воҳидов учрашуви жуда мураккаб ва ҳаяжонли тарзда давом этди. Рақиб шоҳини маҳв этиш йўлида гроссмейстер ҳатто бир отини қурбон қилишдан ҳам тап тортмади. Орага цейтнот, яъни уйлаш учун вақт танглиги аралашиб қолди. Бинобарин, мураккаб ҳисоб-китоблар юритиш қийинлашди. Салтаев мавжуд имкониятлардан фойдалана олмади. Рақиби эса ортиқ сипоҳини асраб қолиб, галабага эришди. Бундай қоқилиш самарқандлик халқаро мастер Шуҳрат Сафин билан унинг ҳамшаҳари Тоҳир Воҳидовга руҳ бағишлади.

Якунловчи 13-тур қуп нарсага аниқлик киритди. Шу куни ибратли бир воқеа юз берди. Кекса иштирокчи — 74 ёшли Георгий Борисенко билан ёш қатнашчи Иброҳим Ҳамроқулов учрашуви диққат марказида булди. Уз даврида мана ман деган шахматчилар билан дона сурган оқсоқолимиз болакайнинг ҳимоя чизиқларини ёриб утолмагач, дуранг таклиф қилиб қуя қолди. Ҳа, Иброҳим билан ҳазиллашиб булмайди.

Икки ҳафталик баҳс ниҳоясида 12 имкониятдан 9 очко жамгарган Сайдали Йулдошев кейинги 5 йил давомида уч бор чемпионлик супасига қутарилди. 8 тадан очко туплаган Михаил Салтаев билан Тоҳир Воҳидов 2 ва 3-уринларни узаро баҳам курдилар. Бу йил шахматчиларимиз учун ҳам Олимпиада йили. Вазифа терма жамоаларимиз таркибини аниқлаб, шу йил сентябрь ойида Ереванда утадиган жаҳон шахмат олимпиадасига пухта ҳозирлик қуриш.

Мамажон МУҲИТДИНОВ,
республика Шахмат федерацияси вице-президенти, халқаро тоифадаги ҳакам.

Ўзбекистон Республикасида энг арзон нарх

ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШДА МУАММОЛАРИНГИЗ БОРМИ?

"ВОЛКАР"

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Шаҳрихондаги (Андижон вилояти) омбордан ПЭТВ - 2 маркали эмал симларни

таклиф этади.

Симларнинг қирқим-диаметри:
а)0,45 мм;
б)0,63 мм;
в)0,75 мм;
г)0,80 мм;
д)1,25 мм.

Сифат сертификати бор!

Телефонлар:
/8-37422/ 5-96-24, /8-37434/ 2-24-95
соат 8 дан 17 гача.
8 (3712) 55-35-07, 44-55-39.

САВДО ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБСАВДО" ва "ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО"
ҳиссадорлик жамиятлари
шу йилнинг 25-27 июнида

3000 дан ортиқ турдаги электротехник асбоб-ускуналари, кабель сим ва халқ истеъмоли маҳсулотларининг **САВДО ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ.**

Мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар барча давлат ташкилотлари, вазирликлар, кичик корхоналар, фермерлик хўжаликларини **Савдо ярмаркасига таклиф этамиз.**

Ярмаркада маҳсулотлар устама нархи 50 фоизгача арзонлаштирилган баҳода сотилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7-уй.

ЯРМАРКА ҚЎМИТАСИ.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Халқ банки 1996 йил 1 июндан аҳолига "Рағбат" ва "Омад" номли янги омонат турларини таклиф қилади.

"Рағбат" номли омонатга пул топшириб, Сиз ойига 4 фоиздан даромад олиш билан бирга омонат қолдиғининг 80 фоизи миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Омонатнинг энг кам миқдори 3000 сўм.

Сақланиш муддати — 6 ой.

Ютуқли омонат *"Омад"*га пулингизни топшириб, жуда катта ютуққа эга бўлиб, омадингиз чопиши ҳеч гап эмас!

Бу омонат тури *"талаб қилиб олгунча"* омонат тури каби кирим ва чиқим муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради.

Халқ банкида омадингизни синаб кўришни таклиф қиламиз!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Халқ банки ўзининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 1 июнда дунёга келган барча чақалоқлар номига мақсадли болалар омонатларини очиб, 400 сўмдан суюнчи беришини маълум қилади. Шунингдек, сафимизга қўшилган жажжи ватандошларимизнинг ота-оналари уларни Ватанимизнинг садоқатли фарзандлари қилиб тарбиялайдилар, деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим илмий-методика марказининг «Девонхона» думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Иккинчи ТошДавТИ 2-шифохонаси маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси республика Йирингли жарроҳлик ва қандли диабет хасталик асоратлари маркази раҳбари, умумий жарроҳлик кафедрасининг мудири профессор Бахтиёр Дўсчонбоевич Бобожоновга онаси **Нодира Аҳмедовна АҲМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ORIENTAL EXPRESS» инвестиция-холдинг компаниясининг ходимлари компания президенти Ш. Р. Даминовга синглиси **Севара ДАМИНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.